



Милоддан аввалги II минг йиллик охирида Жанубий Американинг шимол-шаркий тоғ худудларида чавин маданияти деб аталувчи сирли цивилизация пайдо бўлиб, киска муддат ичида йўқолиб кетди. Бу халқ ягуарга сизиниб, тош пирамидалар курган ва нафис керамика буюмлар тайёрлаган. Асрлар ўтиб, баланд тоғ платоси марказида шунчалик қутилмаган ҳолда янги бир цивилизация – Тиауанако пайдо бўлди, унинг номи муқаддас марказ номи билан аталди.

Тиауанако номи «Мурдалар шаҳри» маъносини англатади ва инклар даврига бориб тақалади, чунки бу вақтда шаҳарда ҳеч ким яшамас эди. Инклар, ўзи ҳам буюк бинокорлар бўлган ҳолда, бу улкан тош шаҳарни уларнинг олий худоси Виракочагинагина қуриши мумкин деб ишонганлар.

Ҳақиқатан ҳам, бу шаҳар қандай қурилганини тасаввур қилиш жуда қийин. Баланд Америка шаҳрини ташкил этувчи улкан тош ҳайкаллар ва юзлаб тоннлик монолитлар, 6 км узокликда жойлашган яқин тоғ жинс қазиб олиш манбасидан қандай ташилган?

Олимлар хисоблаб чикишича, вазни 150 тонна бўлган бир тошни бир кунда уч минг одам етказиши мумкин эди. Демак, Тиауанако кўплаб минглаб ишчилар томонидан пухта ташкил этилган меҳнат натижасида қурилган. Бирок қадимги Перуда бундай улкан ишчи кучлари мавжудлигини тасдиқлайдиган ишончли далиллар йўқ.

Археологларнинг эътиборини энг кўп жалб этган иншоот – Каласасайя саройи бўлди. У 17500 м² майдонни эгаллаб, боливиялик немис археологи Артур Познанский томонидан қуёш маъбади сифатида тавсифланган. Перунинг илк хроникачилари бўлган испанлик Съеса де Леон бу иншоот ҳақида ёзиб қолдирган. Унга кўра, саройнинг асосий диккатга сазовор жойи катта зал бўлиб, у порталар ва кенг ойналар билан безатилган эди. Девоқларга олтин миҳлар билан мис ва бронза пластиналар ўрнатилган. Ҳозирга келиб, бу хайратланарли бинодан фақат катта устунлар ва кенг тош зинапоаялари – саройга асосий қириш йўли сақланиб қолган.

Шаҳарнинг шимол-шарқий қисмида эса Тиауанаконинг энг машҳур ёдғорлиги – Қуёш дарвозаси жойлашган. Унинг юқори қисми рельефли тасвиқлар билан безатилган бўлиб, марказда скафандр қийган космонавтга ўхшаш инсон сурати бор. Унинг бошидан қуёш нурлари тарқалган бўлиб, уларнинг учи пума боши билан якунланган. Бу тиауанақолик «олий худо»нинг қийими пума, қондор ва балиқ тасвиқлари билан безатилган. Профессор Познанскийнинг фикрича, Қуёш дарвозаси рельефларида қадимий қуёш ва ой тақвимлари тасвиқланган.

Муҳим ва сирли «объект»лардан яна бири – «Саркофақлар саройи» деб аталувчи майдон бўлиб, бугунги кунда у квадрат шаклидаги тош бино харобалари сифатида қолган. Унинг пойдеворида турли рангли тош плиталар билан ёпилган қабрлар топилган.

Тиауанаконинг энг йирик иншооти эса асоси 210×210 метр бўлган зинапоаяли Акапана пирамидасидир. Баъзи маълумотларга кўра, унинг чўкқисида ҳиндулар маъбади жойлашган ва у ерда инсон қурбонлиқлари қелтирилган. Ҳозирда маъбаддан ҳеч қандай из қолмаган, фақат гарбу шарқ йўналишига аниқ мослаштирилган қичиқ сув хавзаси сақланиб қолган.

Шунингдек, бу ерда улкан тош хайқаллар ҳам топилган бўлиб, улар хатто ольмекларнинг улкан тош бошларидан ҳам йирикқокдир. Улар қашфиётчилар номига боғлиқ қолда – Беннет монолити ва Понсе Санхинес монолити деб номланган. Беннет монолити етти метрдан қаланд бўлиб, квадрат шаклдаги бош қисми лента ёқи турбанга ўхшаш

тасвирланган. Унинг кўзлари тўғри караб турган, кўллари эса кўлкопдек кўксини тутди. Беннет монолити якинида яна бир хайкал топилган бўлиб, у сакаллик эркак кишини тасвирлаган – бу эса хиндулар учун мутлако гайритипик ҳолатдир.

Сакал фақат ок танли худо Виракочага тегишли бўлиб, у осмондан тушган ёки денгиз орқасидан келган. Айрим тарихчиларнинг фикрига кўра, Тиауанаконинг қурилувчилари ок танли келгинчилар, эхтимол, викинглар бўлган. XVI асрда испан хроникачиси Сьеса де Леон маҳаллий аҳолидан шундай маълумотлар ёзиб олган: «Бир вақтлар бу ерга ок танли, катта сакаллик одамлар келган, бироқ улар маҳаллий аҳолига нисбатан кам сонли бўлганликлари боис, жангларда йўқ қилинган».

Муқаддас Тиауанако Титикака кўлининг жанубий қирғоғидан 20 км узоқликда жойлашган. Бу кўл Анд тоғларида, денгиз сатҳидан 3854 метр баландликда, узунлиги 160 км, кенглиги эса 60 км ни ташкил этади.

Қадим замонларда Вечный город (абдий шаҳар) ва Титикака кўли ўртасида диний алоқа мавжуд бўлган. Кўл ўртасидаги айрим оролларда қадимий манзилгоҳлар излари топилган. Бу ерда топилган тўқилган қамишдан ясалган қайиқлар қадимий мисрликларнинг папирус кемаларига ўхшайди (Тур Хейердал томонидан ясалган машҳур «Ра» кемаси ҳудди шундай услубда қурилган).

Кўл тубидаги қадимий вайроналар ва икки муқаддас оролни бир-бирига боғловчи улкан олтин занжир ҳақида афсоналар мавжуд. Бу сирни аниқлаш мақсадида машҳур океанолог Жак-Ив Кусто икки мини-субмарина ёрдамида Титикака кўли тубини тадқиқ қилган.

Сув ости экспедицияси ҳеч қандай олтин занжир топмади, бироқ ҳақиқатан ҳам тош бинолар изларини аниқлади. Бу маълумот олимларни кўл соҳилларининг қадимдаги чегаралари ўзгарган бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлашга мажбур қилди. Балки Титикака кўли олдин анча кенг бўлган ва муқаддас хиндулар пойтахти Тиауанако унинг тўғридан-тўғри соҳилида жойлашган бўлиши мумкин. Бу шаҳар милoddан аввалги III асрдан 1300 йил давомида мавжуд бўлган.

Ҳаёт учун ноқулай бўлган денгиз сатҳидан 4000 метр баландликда жойлашган бу

Тиауанако сир

Муаллиф:

09.02.2025 17:43 -

цивилизация кандай килиб юксак тараккиётга эришган ва нима сабабдан унинг ахолиси шаҳарни тарк этган? Бу сўнгсиз сирлар, Тиауанако муаммолари ва афсоналаридир.